

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КАРИМОВ НУРИДДИН МАҲАМАДЖОНОВИЧ

**ПАХТАНИ УЗОҚ МАСОФАДАН ТАШИШ УЧУН КЎЧМА
ПНЕВМОТРАНСПОРТ УСКУНАСИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

05.02.03- Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехника тизимлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Каримов Нуриддин Махамаджонович Пахтани узок масофадан ташиш учун кўчма пневмотранспорт ускунаси конструкциясини ишлаб чиқиш.....	3
Каримов Нуриддин Махамаджонович Разработка конструкции передвижной пневмотранспортной установки для транспортировки хлопка с дальних расстояние.....	23
Karimov Nuriddin Development of the design of a mobile pneumatic transport unit for transporting cotton from long distance	41
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	44

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КАРИМОВ НУРИДДИН МАҲАМАДЖОНОВИЧ

**ПАХТАНИ УЗОҚ МАСОФАДАН ТАШИШ УЧУН КЎЧМА
ПНЕВМОТРАНСПОРТ УСКУНАСИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

05.02.03- Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехника тизимлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Т1005 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Саримсаков Олимжон Шарипжанович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Джураев Анвар Джураевич
техника фанлари доктори, профессор

Бобоматов Абдуғани Хусайнович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “19” ноябрь соат 09⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти 3- бино, 1-қават, илмий кенгаш хонаси).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (186-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07.)

Диссертация автореферати 2022 йил “8” ноябрь куни тарқатилди.
(2022 йил “8” ноябрьдаги 81-рақамли реестр баённомаси).

Р.М. Мурадов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, техника
фанлари доктори, профессор

Х.Т. Бобожанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари доктори

Қ.М. Холиков

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, техника фанлари доктори

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда пахта толасидан сифатли матолар тайёрлаш, экологик тоза ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмайдиган кийим-кечак маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган техника технологияларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Пахта етиштириш бўйича АҚШ, Бразилия, Хиндистон давлатлари етакчи ўринларда туради¹. Дунё бозорининг ушбу сегментидаги ўрни ва нуфузини сақлаш учун бу мамлакатларда пахтага ишлов бериш технологиясини барқарор ривожлантириш, замонавий технологик жиҳозларни ишлаб чиқариш ва жорий қилиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, жаҳон пахта бозорига юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда истеъмолчига олдиндан белгиланган сифат ва миқдор кўрсаткичларига эга бўлган маҳсулотни етказиб бериш, пахта маҳсулотларининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини бошқарувчи “ақлли” технологияларни яратиш, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида маҳсулот сифати ва миқдorigа салбий таъсир кўрсатувчи жараён ва омилларни аниқлаш ҳамда машина конструкцияларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, муаммоларни бартараф қилувчи техникавий ечимларни ишлаб чиқиш, барча технологик жараёнлар, шу жумладан пахтани пневмотранспорт ёрдамида ташиш ва уни ташувчи ҳаводан ажратиш олиб, навбатдаги технологияга узатиб бериш жараёнлари самарадорлигини ошириш соҳанинг долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун соҳада янги тизим – кластер усули жорий этилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш»³ бўйича вазифалари белгиланган. Шу билан бирга мазкур вазифаларни амалга оширишда, кўчма пневмотранспорт ускунасида пахтани ташиш ва ҳаво оқимидан ажратиш олиш жараёнини такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, сепаратор аэродинамик қаршилиги ва пахта

1. International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. <https://icac.org/emailsecretariat@icac.org>. September 1, 2017.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

таркибидаги майда ифлосликлардан тозалаш, сепаратор қурилмасининг экспериментал конструкциясини яратиш ва унинг самарали ишлашини аниқлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2019 йил 14 февралдаги ПҚ-4186 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2020 йил 22 июндаги 397-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ПФ-60-сонли Фармони, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур илмий тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пахтани узоқ масофага ташиш, машина иш унумдорлигини ошириш, тола ажратиш ва тозалаш магиналарини ишчи органларини такомиллаштириш, ресурсларни тежаш, маҳсулот сифатини яхшилаш масалалари бўйича хорижда R.N.Rakoff, S.Z.Hall, S.E.Hughs, T.Elliot (Англия), R.G.Hardin, A.V.Stanley, E. Whitney, P.A.Funk (Америка) ва бошқалар кенг кўламли тадқиқотлар олиб борганлар.

Шунингдек пахта хомашёсини дастлабки ишлаш технологик жараёнидаги пахтани ташишнинг назарий-фундаментал, амалий масалалари ва методологик асосларини яратишга Ўзбекистоннинг таниқли олимларини илмий ишлари бағишланган. Булардан: Р.Г.Махкамов, Х.А.Зияев, Р.Амиров, Б.М.Мардонов, П.Байдюк, Х.Ахмедходжаев, Х.А.Рахматуллин, Р.Мурадов, М.Хожиев, У.Х.Азизходжаев, Р.Файзиев, А.Давидов, Н.А.Ортиқов, С.А.Самандаров, А.Бурханов, А.А.Исмоилов, Ю.Янгибаев, З.О.Шодиев, Т.О.Шамсутдинов, С.Қодирхўжаев, О.Ш.Саримсақов, Х.Мамарасулов, О.Ишмурадов, О.Маматкулов, М.Салоҳиддинова томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида пахтани узоқ масофага ташувчи пневмотранспорт машиналарининг самарадорлигини ошириш ва янги такомиллаштирилган қурилмаларни амалиётида қўллаш масалаларини ечишда салмоқли натижаларга эришилди.

Шу билан бирга сепарация жараёни ва кўчма пневмотранспорт ускунасини такомиллаштириш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилганига қарамасдан, пахта сепараторида тўрли юзадан пахтани ажратиш олиш ва уни вакуум-клапанга тушириш жараёнлари мукамал даражада ўрганилмаган, сепараторларда вентилятор орқали ҳосил қилинган ҳаво босимининг йўқолишига сабаб бўладиган юқори аэродинамик қаршиликлар сабаблари тўлиқ очиб берилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, сепарация жараёнини янада чуқурроқ ўрганиш ҳамда уни такомиллаштириш, пахтанинг сифат кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатмайдиган кўчма пневмотранспорт ускунаси конструкциясини ишлаб чиқиш бўйича муаммолар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти ва Наманган вилоят ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг БВ-Атех-2018-114 рақамли «Толанинг сифатини яхшилаш мақсадида пахта сепаратори конструкциясини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа (2018-2020) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўчма пневмотранспорт ускунасида пахта хомашёсининг табиий сифат кўрсаткичларини сақлаган ҳолда ҳаво оқимидан ажратиб олиш ва пахтани майда ифлосликлардан тозалаш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

кўчма пневмотранспорт ускунасида пахтани ташиш ва ҳаво оқимидан ажратиб олиш жараёнини такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш;

сепаратор ишчи камераси юқори қисмига кўшимча тўрли сирт ўрнатиш ҳамда унинг сепаратор аэродинамик қаршилиги ва пахта таркибидаги майда ифлосликлардан тозалаш самарадорлигига таъсирини аниқлаш;

сепараторда кўшимча тўрли сиртнинг пахта чигити механик шикастланишига таъсирини ўрганиш ҳамда математик моделлаштириш орқали пахтани ҳаво оқимидан ажратиш жараёнига таъсир қилувчи омилларнинг энг мақбул қийматларини аниқлаш;

сепаратор қурилмасининг экспериментал конструкциясини яратиш ва унинг самарали ишлашини асослаш;

таклиф этилаётган сепаратор қурилмасида ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш ҳамда уни пахта хусусиятларига таъсирини ўрганиш;

қабул қилинган техникавий ечимлар самарадорлигини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тавсия қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пахта тозалаш корхоналарида пахтани ғарамдан ишлаб чиқаришга узатиб берувчи кўчма пневмотранспорт ускунаси ва унинг таркибий элементлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини кўчма пневмотранспорт ускунаси конструкцияси ва технологик кўрсаткичлари, пахтани ташиш ва ҳаводан ажратиш жараёни режимлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Иш назарий ва амалий тадқиқотлардан ташкил топган. Назарий тадқиқотлар олий математика, назарий ва амалий механика, экспериментал тадқиқотлар, математик статистика, замонавий ўлчаш асбобларидан фойдаланиб, экспериментларни режалаштириш ва оптималлаштириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахта ва ҳаво аралашмасининг сепаратор кириш қувури ичидаги ҳаракат қонуниятидан келиб чиқиб, кириш қувурининг аэродинамик қаршилиги паст бўлган ва пахтани сепаратор кенглиги бўйича бир меъёрда тақсимлаб берадиган конструкцияси ишлаб чиқилган;

сепаратор ишчи камерасида ҳаво ва пахтанинг ҳаракати қонуниятлари асосида унинг ички девори юқори ва пахта уриладиган қисмлари перфорация қилинган ва сўрувчи қувурга уланиб, ишчи камерада ҳосил бўладиган ҳаво уюрмасини камайтириш имконияти яратилган;

сепараторда ифлосланган ҳавонинг сўрувчи қувур бўйлаб ҳаракати қонуниятини ҳисобга олиб, вентилятор билан сепараторни боғловчи қувурнинг рационал конструкцияси ишлаб чиқилган;

режали экспериментлар натижаларига асосланиб, кўчма пневмотранспорт ускунаси сепараторининг кириш қувури кенгайиш бурчаги ва баландлигининг рационал параметрлари аниқланган

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сепарация жараёнини назарий ва амалий ўрганиш натижалари асосида пахтанинг сепаратор ва унинг вакуум-клапани узунлиги бўйича нотекис тақсимланиши, пахтанинг асосий қисми унинг ўртасига тўғри келиши асослаб берилган;

тадқиқот натижалари асосида сепаратор диффузори ва кириш қувурининг аэродинамик қаршилиги паст бўлган, пахтани сепаратор кенглиги бўйича текис тақсимлаб берадиган конструкциялари ҳамда вентилятор билан сепараторни боғловчи қувурнинг рационал конструкцияси ишлаб чиқилган;

пахтани ташувчи ҳаводан ажратиш самарадорлигини оширишни тавсия қилинган кўчма пневмотранспорт ускунасининг рационал конструкцияси тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва тажрибавий изланишлар натижаларининг мутаносиблиги, тавсия этилган сепараторнинг ишчи органларини ишлаб чиқариш синовлари ва мавжуд сепараторлар кўрсаткичларига солиштириш натижалари билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳаводан ажратиш жараёнида пахтани сепараторнинг механик таъсиридан ҳимоя қилиш орқали унинг дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлашни таъминловчи конструкцияси ҳамда пахтани ҳаводан ажратиш жараёнида ҳосил бўладиган тикилишлар ва уларни бартараф этиш усуллари ишлаб чиқилган бўлиб, унда кириш қисми қаршисида ҳаво сўрилувчи тирқишлар очиш орқали сепаратор аэродинамик қаршилигини камайтириш ҳамда сепараторда тола йўқолишини камайтириш ва тозалаш самарадорлигини оширишга эришилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахтани ташувчи кўчма пневмотранспорт ускунаси конструкциясини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

пахтани ишлаб чиқаришга узатиб берувчи янги кўчма пневмотранспорт ускунаси «Ўзпахтасаноат» АЖ тасарруфидаги корхоналарда, жумладан, «Наманган пахта текс» МЧЖга қарашли «Қосонсой пахта тозалаш» корхонасида

ишлаб чиқаришга жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖ нинг 2021 йил 4-декабрдаги №02/22-354-сонли маълумотномаси). Натижада пахта толаси таркибидаги ифлослик ва нуқсонли аралашмалар массавий улушини 0,4 %га камайган, электр энергияси сарфини 10 кВт/соат га камайишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 14 та илмий-техник конференцияларда, шу жумладан, 3 та халқаро, 7 та Республика конференцияларида ва 4 та илмий семинарларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 3 та республика ва 5 та хорижий журналларда илмий мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «Пахта учун кўчма пневмотранспорт ускунасини яратиш бўйича олиб борилган илмий ишлар шархи» деб номланган биринчи бобда пахтани дастлабки ишлаш жараёнида пахтани ҳаводан ажратиб берувчи техника ва технологиялар чуқур ўрганилган. Шунингдек, Республикаимизнинг бир қатор олимлари томонидан сепаратор машинасини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлари таҳлил қилинган.

Бу ишлар натижасида ахтани пневмотранспортда ташиш ва уни ҳаводан ажратиш жараёнлари назарияси ва техника-технологияси муайян даражада ривожланди. Шунга қарамай, пахтани тўрли юзадан ажратиб олишда тола ва чигит дастлабки сифат кўрсаткичларининг пасайиши, уни ташувчи ҳаво таркибида чиқиб кетиши ва нобуд бўлиши ҳамда пахта сепаратори аэродинамик қаршилигининг юқорилиги ҳисобига энергетик харажатларнинг ошиб кетиши каби муаммолар сабаблари атрофлича очиб берилмаган ва бу камчиликларни бартараф этувчи техникавий ечимлар ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, сидиргичнинг тўрли сирт юзасидаги пахтани тўлиқ ажратиб ололмаслиги натижасида сепараторда тикилишлар содир бўлади. Юқоридагиларга кўра, сепарация жараёнини янада чуқурроқ ўрганиш ҳамда уни такомиллаштириш орқали пахтанинг дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлаш ва сепаратор

аэродинамик қаршилигини камайтириш орқали жараён энергия сарфини камайтириш ҳамда пневмоускуна фаолият радиусини ошириш масалалари ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади.

Диссертациянинг “Пахта учун кўчма пневмотранспорт ускунасини яратиш бўйича назарий тадқиқотлар” деб номланган иккинчи бобига кўра иш жараёнида сепараторнинг ишчи камерасига пахта ҳаво оқими билан кириб келади ва унинг асосий қисми сепараторнинг ишчи камерасида тўғри ҳаракатланиб, унинг деворларига урилади, ўз оғирлиги таъсирида вакуум-клапанга келиб тушади. Қолган қисми тўрли сиртга урилади. Доира шаклдаги тўрли сиртлар сепаратор ишчи камераси ён томонларига ҳаво оқими йўлига ўрнатилган. Пахтанинг маълум бир қисми бу юзаларга ёпишиб қолади. Тўрли юзадан пахтани эластик сидиргич ёрдамида ажратиб олинади.

Ҳаракатни ўрганишни пахта бўлакчаси сепараторнинг кириш патрубогига кириб келган моментдан бошлаймиз (1-расм). Координата боши кириш патрубогини марказида бўлсин. Декард координата системасида пахта бўлакчаси ҳолати учта ўқ бўйича аниқланади: x ; y ; z .



1-расм. Пахтанинг сепаратор камерасидаги ҳаракатини ўрганиш.

1-кириш қувири, 2-ишчи камера.

Толали материалларнинг текис ҳаракатида унга аэродинамик ва гравитацион кучлар таъсир қилади. Пахта бўлакчаларининг тезлиги ҳаво оқими тезлиги таъсирида пайдо бўлади:

$$v_{\Pi} = nU, \quad \text{м/с} \quad (1)$$

бу ерда: U - ҳаво оқими тезлиги, м/с; v_{Π} - пахта тезлиги, м/с; n -кечкикиш коэффициент, экспериментларда аниқланишича $n=0.5-0.75$.

Симметрия текислигида кучларнинг ҳосил бўлиш манбаи бўлиб тўғридан келувчи қаршилиқ (F_x) ва кўтариш кучи (F_y) ва кўндаланг куч (F_z) ҳисобланади.

Бу кучлар ҳаво ва пахта тезликлари фарқига боғлиқ бўлиб, уларни овоз тезлигидан юқори ҳаракат тезликларида, яъни квадратик қаршилик муҳитида ва $F = k v^2$ кўринишида, ундан паст тезликларда, яъни чизиқли қаршилик муҳитида $F = kv$ кўринишида ифодалаш мумкин. Пахта пневмотранспортидаги тезликлар овоз тезлигидан қарийб 10 баробар паст бўлиб, бу жараёни ўрганишда чизиқли боғланишдан фойдаланиб, координата ўқлари бўйича қуйидаги ифодаларни оламиз:

$$\begin{cases} F_x = k_x v_x \\ F_y = k_y v_y \\ F_z = k_z v_z \end{cases} \quad (2)$$

бу ерда: k_x, k_y, k_z - аэродинамик коэффицентлар. F_x - кучининг йўналиши жисмининг ҳаракат тезлигига мос тушади, лекин, бизнинг ҳолда у ҳаракатга ҳалақит берувчи куч бўлганлиги туфайли ҳаракат тезлигига қарши йўналади. F_y ва F_z кучлари йўналишлари доимо F_x га ва ўзаро перпендикуляр бўлади.

Д'Аламбер принципи асосида пахтанинг мувозанат тенгламалари олиниб, турли математик шакл алмаштириш ва физикавий боғланишлар асосида пахта бўлакчасининг нисбий тезликлари тенгласини оламиз:

$$v_y = \begin{cases} v_x = v_{x0} e^{k_x t} \\ v_y = v_{y0} e^{(k_y + g)t} \\ v_z = v_{z0} e^{k_z t} \end{cases} \quad (3)$$

Тенгламаларни интеграллаш йўли билан, (2) ни ҳисобга олган ҳолда пахта бўлакчасининг координата ўқлари бўйича кўчиши тенгламаларини оламиз:



$$\begin{cases} x = x_0 + \frac{v_{п0}(\cos\alpha + \cos\beta)}{k_x} e^{k_x t} \\ y = y_0 + \frac{v_{п0}\sin\alpha}{(k_y + g)} e^{(k_y + g)t} \\ z = z_0 + \frac{v_{п0}\sin\beta}{k_z} e^{k_z t} \end{cases} \quad (4)$$

Пахта бўлакчасининг траектория тенгласи қуйидаги кўринишда бўлади:

$$y(x, z, t) = \sqrt{x^2 + z^2} \quad (5)$$

Тенгламаларнинг график таҳлили асосида қуйидагилар аниқланди (2-,3-расмлар).

Уларга кўра X ўқи бўйича кўчиш яққолроқ кўзга ташланади. Графиклар текисликда тасвирлангани сабабли траекторияларнинг Y ва Z ўқлари бўйича кўчишларини пайқаш қийин.




$$x_0 := -0.15 \quad y_0 := -0.15 \quad z_0 := -0.15$$

2-расм. Пахтанинг координата ўқлари бўйича вақт бирлиги ичида кўчиши

**3-расм. Пахтанинг сепаратор ичидаги ҳаракати траекторияси.
 $v = 25 \text{ m/s}$**

Пахта бўлакчалари траекторияларининг мураккаб кўринишда бўлгани учун, компьютерда олинган уч ўлчамли графиклардан зарур таҳлилларни чиқариб бўлмади. Шунинг учун, олинган натижаларни 2 та XOY ва XOZ текисликлардаги проекцияларга бўлиб таҳлил қилдик. 4 ва 5-расмларда пахтанинг ажратиш камерасидаги траекториялари кўрсатилган.


Пахтанинг ажратиш камерасидаги XOY текислиги бўйича траекторияларига эътибор қаратсак, 1, 2 ва 3 – нуқталардан кириб келаётган пахта бўлакчалари сепаратор орқа деворига урилиб, кейин пастга, вакуум-клапанга тушишини кўрамиз. Оралиқдаги нуқталардан кириб келадиган пахта бўлакчалари траекториялари ҳам шу оралиққа тўғри келади ва яхлит траекториялар тутамини ташкил қилади, дейиш мумкин. Вертикал текислик бўйича 4, 5 ва 6 – нуқталардан кириб келаётган пахта бўлакчалари ҳеч қаерга урилмай, тўғри вакуум-клапанга йўналади ва бу нуқталар оралиғидаги нуқталардан кириб келадиган пахта бўлакчалари ҳам умумий траекториялар тутамини ташкил қилади, яъни уларнинг траекториялари юқоридаги 2 та нуқтадан кириб келаётган пата бўлакчалари траекторияларининг орасида жойлашади.



1-3 – сепаратор орқа деворига урилиб, пастга қулайдиган пахта бўлакчалари траекториялари тутами; 4-6 – тўғри вакуум-клапанга йўналадиган пахта бўлакчалари траекториялари тутами; 7-8 – пахтасиз зона.

4-расм. Пахтанинг ажратиш камерасидаги XOY текислиги бўйича траекториялари.

Тасвирда эътиборга молик бўлган яна бир жиҳат ундаги пахтасиз зоналарнинг катта майдонни ташкил қилишидир (7-8 – пахтасиз зона). Бу майдон амалда ишламайди ва ҳаво уюрмалари айнан мана шу ҳудудларда юзага келади ҳамда сепараторнинг аэродинамик қаршилигини оширади. Шунинг учун, сепараторнинг янги конструкцияларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштиришда бундай ҳудудлар майдонини камайтириш мақсадга мувофиқдир.



1- тўғри вакуум-клапанга йўналадиган пахта бўлакчалари траекториялари тутами; 2 – сепаратор орқа деворига урилиб, пастга қулайдиган пахта бўлакчалари траекториялари тутами; 9-10 – тўғри тўрли сиртга уриладиган пахта бўлакчалари траекториялари тутами, шундан 10-кувурнинг энг четки нуқтасидаги пахта бўлакчалари; 11 – пахтасиз зона.

5-расм. Пахтанинг ажратиш камерасидаги XOZ текислиги бўйича траекториялари.

Пахтанинг ажратиш камерасидаги XOZ текислиги бўйича траекториялари кузатилганда ҳам юқоридаги ҳолатни кўриш мумкин. Бунда 1- нуқтадан 2-нуқтагача бўлган ораликдан кириб келувчи пахта бўлакчалари тўғри вакуум-

клапанга йўналади ва бу пахта бўлакчалари траекториялари яхлит тутамни ташкил қилади; 2 – нуқтадан кириб келувчи пахта бўлакчалари сепаратор орқа деворига урилиб, кейин, пастга қулайди. 2 дан 9- нуқтагача бўлган қукталардан кириб келадиган пахта бўлакчалари траекториялари ҳам яхлит траекториялар тутамини ташкил қилади.

Навбатдаги, 9-10 – нуқталар орасидаги худуддан кириб келувчи пахта бўлакчалари тўғри тўрли сиртга бориб урилади, бунда 10- нуқта қувурнинг энг четки нуқтасидаги пахта бўлакчалари бўлиб, улар жуда кам миқдор (0-5%)ни ташкил қилади. Бу пахта бўлакчалари тўрли сиртнинг олд ярмига урилади.

Бу тасвирда ҳам 11 – пахтасиз зоналар мавжуд бўлиб, юқорида таъкидлаганимиздек, бу зоналарда ҳаво уюрмалари ҳосил бўлиб, улар пахта ҳаракатига тўсқинлик қилади ва сепараторнинг аэродинамик қаршилигини ошишига хизмат қилади.

Олинган графикларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳаво қувури диаметри 400 мм бўлганда 10 та нуқтадан 5 тасидан кириб келаётган пахта бўлакчалари кириш қувурининг кенглиги (600 мм) га тенг бўлган қисмига тушади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, сепараторга кириб келаётган пахтанинг вакуум-клапан узунлиги бўйича нотекис тақсимланиши 400 мм ли қувурда ҳам мавжуд. Аммо, қувур диаметри 300 мм га келтирилганда пахтанинг янада кўпроқ қисми вакуум-клапаннинг ўрта қисмига тушиши аниқланди. Бунда, горизонтал йўналишда 10 та нуқтадан пахтанинг сепараторга кириш траекторияси ўрганилганда 10 тадан 6 та нуқтадан кириб келаётган пахта бўлакчалари вакуум-клапан марказидан ҳар 2 томонга қараб ҳисобланганда 300 мм, жами 600 мм масофага тушиши кузатилди. Шунга кўра, айтиш мумкинки, 300 мм диаметрдаги қувурдан сепараторга кириб келаётган пахтанинг 60 фоизи вакуум-клапаннинг марказидаги 600 мм масофага, қолган 40% қисми эса 1100 мм масофага тўғри келади. Агар, сепаратор иш унуми соатига ИУ=15 тонна, деб ҳисобласак, вакуум-клапан узунлиги $L=1700$ мм бўлганда, унинг бирлик узунлигига тўғри келадиган пахта миқдори M_1 қуйидагига тенг бўлади:

$$M_1 = \text{ИУ} / L = 15000 / 1700 = 8.82 \text{ кг/мм}$$

У ҳолда вакуум-клапаннинг 600 мм қисмининг иш унуми ИУ₆

$$\text{ИУ}_6 = M_1 * L = 8.82 * 600 \text{ мм} = 5294 \text{ кг}$$

бўлади. Агар, сепаратор соатига 15 тонна пахта ўтказиши талаб этилса, бу пахта массасининг 60 фоизи $15000 * 0.6 = 9000$ кг бўлади. У ҳолда сепаратор вакуум-клапанга келаётган пахта унинг ўтказиш қобилиятидан $9000 - 5294 = 3706$ кг га ортиқча. Бу ҳолат, албатта, вакуум-клапаннинг тикилишига олиб келади.

Иш унуми соатига 10 тонна бўлганда эса, унинг 60 фоизи 6000 кг ни ташкил этади ва бундаги иш унуми унинг ўтказиш қобилиятидан $6000 - 5294 = 706$ кг га ортиқча бўлиб, бу ҳолатда ҳам вакуум-клапаннинг ўрта қисмида тикилиш юзага келиши табиий.

Тўғри, вакуум-клапан шу ҳолатда ҳам тикилишсиз муайян миқдордаги пахтани ўтказа олади. Шу миқдорни ҳисоблаймиз. Бунинг учун, унинг бирлик

узунликка тўғри келадиган иш унуми ИУ₆ ни унинг текилиш содир бўладиган қисмига тўғри келадиган пахта салмоғига (60%) бўлиш керак:

$$ИУ_T = ИУ_6 / 60\% = 5294 / 0.6 = 8823 \text{ кг/соат}$$

Яъни, вакуум-клапан кўпи билан 8.8 т/соат пахта ўтказиши керак. Албатта, бу кўрсаткич унинг бир қисмига, яъни ўрта қисмига тегишли, аммо, вакуум-клапан яхлит жисм ва унинг қисмлари бири-биридан алоҳида ишлай олмайди. Ва, унинг бир қисмида пахта текилиши юз берса, нафақат вакуум-клапаннинг ўзи, балки бутун пневмотранспорт тизими ишдан тўхтаб қолади. Бу ҳолатда корхона 2 йўлдан бирини танлаши керак бўлади:

1) Пневмотранспорт тизимини паст иш унуми билан ишлатиш;

2) Пахтани сепаратор вакуум-клапани узунлиги бўйича бир меёрда тақсимлаб берилишини таъминлаш.

Албатта, 1-йўл пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш унудорлигининг пасайишига олиб келади ва бунга йўл қўйиб бўлмайди. 2- вариант эса сепаратор кириш патрубoги конструкциясини ўзгартиришни талаб этади. Прогрессив вариант сифатида биз 2-вариантни танлаймиз.

Биринчи ўринда, пахтанинг вакуум-клапан узунлиги бўйича бир меёрда тақсимланиши масаласини ҳал этиш керак. Бунинг учун, кириш патрубoги конструкциясини такомиллаштириш талаб этилади. Бунда, шундай вариант танлаш керакки, пахта вакуум-клапан узунлиги бўйича бир хилда тақсимланиши билан бирга, қувурнинг аэродинамик қаршилиги ҳам минимал бўлсин. Охирги талабни бажариш учун кириш патрубoгидаги пахтасиз, ҳаво уюрмаси ҳосил бўладиган зоналарни йўқ қилишимиз керак бўлади.

Бизнинг назаримизда, кириш патрубoгини кўндаланг кесим юзаси бир меёрда кенгайиб борадиган ва ҳаво уюрмаси ҳосил бўлмайдиган профил танланса, пахтанинг сепаратор кенлиги бўйича бир хилда тақсимланиши масаласи ҳам, қувурда ҳаво уюрмаси ҳосил бўлишининг олдини олиш масаласи ҳам ҳал бўлади. Аммо, бу масаланинг бир қисми, холос. Чунки, энг катта ҳаво уюрмаси сепараторнинг ишчи камерасида юзага келади. Бунинг асосий сабаби ҳаво оқимининг бирданига, аввал, 400 мм диаметрли қувур, сўнгра, ўлчами 600x250 мм (0.15 м²) бўлган кириш патрубoгидан эни 1700x1200 мм (2.04 м² – 13.6 баробар катта) бўлган ишчи камерага кириб боришида, ҳаво сарфи бир хил бўлгани учун, ҳаво тезлиги ҳам 13.6 баробарга камаяди. Агар, ҳаво тезлигини 35 м/с, деб олсак, у ҳолда камерадаги ҳаво тезлиги $35/13.6 = 2.57$ м/с га тушади. Ҳаво сарфи $35 \times 0.15 = 5.25$ м³/с бўлиб, у 2 томонга тақсимланиб, тўрли сиртга томон ҳаракатланишида сепараторнинг эни бўйича кесим юзаси $3.14 \times (1.2)^2 / 4 = 1.1304$ м² бўлганда, ҳавонинг тўрли юзага томон ҳаракати тезлиги $5.25 / 1.1304 = 4.64$ м/с бўлади.

Бу ҳаво оқимининг кинетик энергиси (у динамик босимни ифодалайди) жуда катта:

$$E_k = 0.5 \rho v^2 = 0.5 * 1.2 * 35^2 = 735 \text{ Па.}$$

Оқимнинг ҳаракат зонаси жуда кичик бўлиб, у сепаратор ишчи камерасини ташкил қилади ва бўйламасига 1.2 м атрофидаги масофага тенг. Шунинг учун, сепаратор ишчи камерасида, сидиргич вали атрофида кучли уюрма ҳосил бўлади


ва у ҳавонинг ва пахтанинг ҳаракатига қаршилик кўрсатади. СС 15А спараторлари аэродинамик қаршилиги катта эканининг асосий сабабларидан бири ҳам ушбу уярма ҳисобланади.

Ҳавонинг бу ердаги айланма ҳаракатини бартараф қилиш учун, сепаратор орқа деворига ҳаво сўрувчи қувур ўрнатиш мумкин. Бу тадбир ҳаво уярмаси ҳосил бўлишини бартараф қилиш билан бирга сепаратор аэродинамик қаршилигини ҳам камайтиради.

Диссертациянинг “Пахта учун кўчма пневмотранспорт қурилмаси экспериментал тадқиқотлари” деб номланган учинчи бобида, биз томонимиздан тақлиф қилинаётган сепаратор қурилмаси конструкциясини аввал олиб борилган тадқиқотлар таҳлилига асосланиб, керакли иш унумдорлигини ҳисобга олган ҳолда тайёрланди.

Қурилма устида тажрибалар ўтказиш учун қурилма конструктив жиҳатдан эҳтиёт қисмларини алмаштиришга ва ишчи параметрларини ўзгартириш имконияти бўлиши эътиборга олинди.

Ҳаво ёрдамида ташиш жараёнларини ва пахта сепарациясини ўрганиш ва кўчма пневмотранспорт қурилмалари ва сепараторлар мавжуд конструкцияларининг ҳар томонлама таҳлили кўчма пневмотранспорт ускунаси учун янги пахта сепаратори (6-расм) конструкциясини ишлаб чиқиш имконини берди ва бу конструкцияда аввалги бўлимда келтирилган ПТУ камчиликлари бартараф қилинган.



1-кириш қувури; 2-ажратиш камераси; 3-вакуум-клапан; 4-дисксимон тўрли сирт;
5- сидиргич; 6-кўшимча тўрли юза; 7-ҳаво сўрувчи қувур; 8-вентилятор; 9-диффузор.

6-расм. Кўчма пневмотранспорт ускунаси учун пахта сепаратори.

Сепаратор қуйидагича ишлайди: Пахта 1-кириш қувуридан 2-ажратиш камерасига кириб келади. Ҳаракат майдонининг кескин кенгайиши ҳисобига


ҳаво ва пахтанинг тезлиги пасаяди ва пахтанинг катта қисми ўз инерция кучи таъсирида кўшимча ўрнатилган 6-тўрли сирт бўйлаб ҳаракатлана бориб, сепаратор орқа деворига урилади ва оғирлик кучи таъсирида пастга, 3-вакуум-клапанга тушади. Узлуксиз пахта оқими 6-кўшимча тўрли юзада пахта туриб қолишига йўл қўймайди ва унинг доимо пахтадан ҳоли бўлишини таъминлайди. Пахтанинг сепаратор ён деворига яқин жойдан кириб келган бир қисми 4-дисксимон тўрли сиртга келиб урилади. Бу пахта бўлакчалари 5- сидиргич ёрдамида сидириб олинади ва пастга, 3-вакуум-клапанга тушади.

Ҳаво оқими тўрли юзалардан ўтиб, 7-ҳаво сўрувчи қувур 8-вентиляторга, ундан ҳавони тозалаш ускуналарига ўтади.

Сепаратор олдида айлана қувурдан кенгайиб борувчи тўртбурчак шаклга ўтувчи қувур 9-диффузор жойлашган бўлиб, у пахтани кирувчи патрубок бўйлаб бир меъёрда тақсимлаб бериш вазифасини бажаради. Бунинг учун, диффузорни мавжуд аэродинамик усуллар билан лойиҳалашимиз керак бўлади.

Пахта тозалаш корхоналаридаги кўчма пневмотранспорт ускуналарини ўрганиш шуни кўрсатадики, ўрганилган корхоналарнинг бирортасида қурилма аэродинамик қаршилигини камайтириш мақсади қўйилган эмас. Барча ҳолларда қурилмани ихчамлаштириш (ресурс сарфини камайтириш) асосий мақсад қилиб олинган ва натижада, тайёрлаб, фойдаланилаётган диффузорларнинг аэродинамик қаршилиги жуда юқори.

Тадқиқот учун экспериментларни режалаштириш усулини танлаймиз. $N = 2^2$ типдаги қўшомилли эксперимент режалаштираемиз.



7-расм. Диффузор ўлчамларига доир схема

Тадқиқотнинг мақсади диффузор аэродинамик қаршилигини камайтириш. Шунинг учун, чиқувчи параметр сифатида U_1 – диффузор аэродинамик қаршилигини қабул қиламиз.

Кирувчи параметр X_1 – диффузорнинг кенгайиш бурчаги ва X_2 – диффузор тўртбурчак томони баландлиги. X_2 – диффузор тўртбурчак томони баландлиги.

Режалаштириш натижаларига кўра экспериментлар ўтказиш учун Косонсой пахта тозалаш корхонасида кўчма пневмотранспорт ускунаси ажратиб берилди. Унинг учун 2 та параметрлари ўзгартириладиган диффузор тайёрланди. Унинг

биринчисида диффузор кенгайиш бурчагини, 2-сида диффузор тўртбурчак томони баландлигини ўзгартириш имконияти мавжуд (7-расм).

Экспериментлар диффузордан олдинги P_{1ct} ва кейинги статик босим P_{2cn} ларни ўлчаш ва абсолют ва нисбий ўзгаришини аниқлашга асосланган.

Аэродинамик қаршилиқ коэффициентлари ζ қуйидаги тенгламага асосан аниқланди:

$$\zeta = (P_{1ct} - P_{2cn}) / P_{2cn} , \quad (3.2)$$


Экспериментлар кирувчи 4 та вариантда, омилларнинг қуйи ва юқори қийматларида 3 мартадан амалга оширилди. Олинган натижалар асосида босимларнинг ўртача арифметик қийматлари, сўнг, аэродинамик қаршилиқ коэффициентлари аниқланиб, тегишли жадвалга киритилди.

Экспериментлар натижаларини қайта ишлаш натижасида қуйидаги кўринишдаги регрессия тенграмаси олинди:

$$Y = 0.455 + 0.265 x_1 + 0.07 x_2 \quad (3.8)$$

Регрессия коэффициентларининг аҳамиятга моликлиги Стьюдент мезони асосида аниқланди. Олинган тенграмалар Фишер мезони асосида текширилганда унинг жараёнга адекватлиги тасдиқланди.

Тадқиқот учун чиқувчи параметр қилиб олинган чизикли зичликни аниқлаш учун тузилган тенглама 3 ўлчамли бўлгани учун таҳлил қилишда кирувчи омиллардан бирини ўртача ҳолат сифатида қабул қилинган $x_i = 0$ қийматдаги икки омил бўйича ўзгариш соҳаси графикларини қурамиз. Натижалар 8-расмда келтирилган.



1- $Y=f(X_1=-1;0), X_2=0$; 2 - $Y=f(X_2=-1;0), X_1=0$; 3 - $Y=f(X_1=0;1), X_2=0$; 4 - $Y=f(X_2=0;1), X_1=0$.

8-расм. Диффузор аэродинамик қаршилигининг унинг кенгайиш бурчаги ва катта томони баландлиги таъсирида ўзгариши.


Диффузор катта томони баландлигининг қурилма аэродинамик қаршилигига таъсири ҳам чизикли равишда ошиб боровчи қонуниятга эга аммо, бу таъсир интенсивлиги нисбатан пастроқ.

Тўғри чизикли тенгламаларда оптимум бўлмайди. Бундай боғлиқликларни қайта ишлашда кирувчи омилларга чегара қўйилади ва чиқувчи параметрнинг шу чегарага мос келадиган максимал ёки минимал қийматларини аниқлаш масаласини ҳал қилиш керак бўлади. Яъни, чиқувчи параметрга максимизация ёки минимизация масаласи қўйилади.

Регрессия тенгламаси Maple 2020 дастури асосида компьютерда кирувчи омилларнинг турли қийматларида таҳлил қилинди. Натижада, дастур қуйидаги рационал параметрларни аниқлаб берди:

- диффузор кенгайиш бурчаги 15 градус;
- диффузор катта томони баландлиги 300 мм.

Янги сепараторнинг ишчи камераси юқори девори тўрли сирт кўринишида тайёрланган бўлиб, бу тўрли сиртнинг умумий майдони жуда катта. Янги сепаратор схемаси 9-расмда келтирилган.



1-кириш қувури; 2-ишчи камера; 3- тўрли сирт; 4- сидиргич;
5- қўшимча тўрли юза; 6- ҳаво чиқиш қувури; 7- вакуум клапан.

9-расм. Янги конструкциядаги сепаратор схемаси.

Сепаратор қуйидагича ишлайди: Пахта 1-кириш қувуридан 2-ажратиш камерасига кириб келади. Ҳаракат майдонининг кескин кенгайиши ҳисобига ҳаво ва пахтанинг тезлиги пасаяди ва пахтанинг катта қисми ўз инерция кучи таъсирида қўшимча ўрнатилган 5-тўрли сирт бўйлаб ҳаракатлана бориб, сепаратор орқа деворига урилади ва оғирлик кучи таъсирида пастга, 7-вакуум-клапанга тушади. Узлуксиз пахта оқими 5-қўшимча тўрли юзада пахта туриб қолишига йўл қўймайди ва унинг доимо пахтадан ҳоли бўлишини таъминлайди. Пахтанинг сепаратор ён деворига яқин жойдан кириб келган бир қисми 3-дисксимон тўрли сиртга келиб урилади. Бу пахта бўлакчалари 4- сидиргич ёрдамида сидириб олинади ва пастга, 7-вакуум-клапанга тушади.

Ҳаво оқими тўрли юзалардан ўтиб, 6-ҳаво сўрувчи қувурдан вентиляторга, ундан ҳавони тозалаш ускуналарига ўтади.

Сепаратор олдида айлана қувурдан кенгайиб боровчи 4 бурчак шаклга ўтувчи қувур диффузор жойлашган бўлиб, у пахтани кирувчи патрубок бўйлаб бир меъёрда тақсимлаб бериш вазифасини бажаради.

“Пахта учун кўчма пневмотранспорт ускунасининг ишлаб чиқариш тадқиқотлари”, деб номланган 4 бобда Наманган вилояти Косонсой пахта тозалаш корхонасида 2020 -2021 йил пахта мавсумида тайёрланган пахта хомашёси билан ўтказилган ишлаб чиқариш синовлари ва натижалари ёритилган. Дастлабки синовлар вақтида такомиллаштирилган қурилма ишлашида ҳеч қандай тўхталишлар бўлмади, ҳар бир тажриба вақтида соатига 15 тонна иш унумдорлиги билан ишлади, қурилмада тикилиб тўхталиб қолиш ҳолатлари содир бўлмади. Тажрибалар С-6524 ва Наманган-77 селекция навларида биринчи ва иккинчи саноат нав пахта хомашёсида, 8-16 % намликда олиб борилди.

Кўчма пневмотранспорт қурилмасига ўрнатилган янги сепараторнинг амалдаги сепаратордан фарқ қилувчи томонлари бўлиб, улар қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Сепарация камераси юқори қисми тўрли қилинган ва тўрли сиртлар умумий майони бир неча баробар оширилган. Бу ҳолат сепаратор аэродинамик қаршилигининг пасайишини таъминлайди;

2. Сепаратор кирувчи патрубоби ва ишчи камера юқори девори бир текисликда жойлашган. Бу ҳолат оқимнинг юқори қисмида камерага кириб келаётган пахта бўлакчаларининг тўрли сирт билан интенсив таъсирлашувига сабаб бўлади ва бу пахта бўлакчалари бири-бири билан ҳам таъсирлашуви натижасида сирт юзасида пахтанинг туриб қолишига йўл қўймайди, яъни тўрли сиртни пахтанинг ўзи пахтадан тозалайди.

3. Сепараторнинг икки ёнидаги цилиндрик ҳаво сўрувчи патрубокларини вертикал текислик бўйича 12 градусга бурилган бўлиб, бу патрубоклар чуқурчасида толали чанг тўпланиб қолишининг олдини олади ва ифлосликлар тўлиғича ҳаво каналлари орқали вентилятор томонга ўтиб кетиши таъминланади.

Янги сепараторни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали олинган маълумотларга кўра қурилмадан кейин пахтадаги нуқсон ва ифлос аралашмалар миқдори 1,2% га камаяди. Янги сепаратордан кейин толанинг йўқолиш миқдори юқори навли пахтада 0.20 кг/с, паст навли пахталарда 2.0 кг/с ни ташкил этиши аниқланди. Янги сепараторни корхонага жорий қилишдан олинган иқтисодий самарадорлик йилига 11 000 тонна пахтани қайта ишлайдиган “Наманган пахта текс” МЧЖга қарашли “Косонсой пахта тозалаш” корхонаси мисолида 58720 000 сўмни ташкил этди.

УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Пневмотранспорт тизими ва унинг асосий элементи бўлган сепаратор қурилмасини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Республика ва хорижий мамлакатлар илмий тадқиқотчилари томонидан ўтказилган тадқиқотлар таҳлили орқали сепараторда пахтани қўшимча тозалаш, пахтанинг механик шикастланишини ва тола йўқолишини камайтириш бўйича тадқиқот олиб бориш зарурлиги асослаб берилган.

2. Пахтани ҳаводан ажратиб олиш жараёни назарий ва амалий тадқиқотларда сепарация жараёнида хомашёнинг дастлабки сифат кўрсаткичлари бузилиши ҳамда толанинг маълум бир қисми чанг ҳаво билан ташқарига чиқиб кетиб нобуд бўлиши аниқланган.

3. Сепараторнинг ишчи камерасида пахтанинг қурилмалар деворига зарб билан урилиши натижасида, шунингдек, тўрли юзани тозалашда пахтанинг қирғич билан таъсирлашув жараёнида чигит шикастланиши аниқланган ва бу кейинчалик, жинлаш жараёнида толада пўстлоқли тола нуқсони ҳосил бўлиши, маҳсулот сифатининг пасайиши ва таннархининг ошишига олиб келиши асослаб берилган.

4. Сўнги йилларда пахта пневмотранспорти тизимида 400 мм ўрнига 300 мм диаметрга эга бўлган қувурлар ишлатила бошланган бўлсада, пневмотранспортнинг бошқа элементлари ўлчамлари ўзгаришсиз қолгани натижасида, пахтани ташиш тезликлари ошгани, сепараторда пахтага бўладиган зарбали таъсирнинг янада ошиши, пахтанинг оқим кесимининг кичрайиши сабабли пахтанинг вакуум-клапаннинг марказий қисмига тўпланиб тушиши унинг тикилишлари кўпайишига, пахтанинг вакуум-клапан парраклари ва ташқи қобиғи орасига тушиб, эзилиши натижасида маҳсулот сифат кўрсаткичларининг янада ёмонлашувига олиб келиши аниқланган.

5. Назарий тадқиқотлар натижасида пахтанинг сепараторга кириб келишидаги ҳаракати 3 ўлчамли координаталар ситемасида ўрганилган ва пахтанинг вакуум-клапан узунлиги бўйича бир меёрда тақсимланиши масаласини ҳал этиш учун, кириш патрубогининг профилини экспериментал усулда лойиҳалаш амалга оширилган.

6. Тажрибалар натижаси бўйича қўшимча тўрли сиртга эга бўлган сепаратор конструкцияси ишлаб чиқилган, қурилманинг энг маъқул ўлчамлари ҳамда кирувчи ва сўрувчи қувурларнинг ўлчамлари ва ўрнатилиш жойлари аниқланган.

7. Қўшимча тўрли сиртга эга бўлган сепараторли кўчма пневмотранспорт қурилмасини ишлатиш натижасида тола таркибида ҳосил бўладиган нуқсонлар миқдори 25% га чигитнинг шикастланиши 45% га, толанинг ҳаво билан чиқиб кетиши 0,53 кг/соатга камайганлигини аниқланган.

8. Кўчма пневмотранспорт қурилмаси учун сепараторнинг янги конструкциясида ҳаво сўрувчи қувур вертикал текислик бўйича пастга бурилган ва натижада қувурнинг чуқурлигида толали чанг тўпланиши бартараф қилинган.

9. Мавжуд ва янги яратилган пневмотранспорт қурилмаси элементлари ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказилганда таклиф қилинаётган янги элементлардан ташкил топган пневмотранспорт қурилмасида чигитларнинг шикастланиши 0,2-0.3% (абс), толада ифлослик ва нуқсонли аралашмалар массавий улуши 0,4%(абс) га, толанинг чанг ҳаво билан чиқиб кетиши 0,2-0.6 кг/соатга, ускуна энергия сарфи 10 кВт/соатга камайганлигини исботланган.

10. Ўтказилган илмий тадқиқотлар асосида тайёрланган кўчма пневмотранспорт ускунасини ишлаб чиқаришга жорий қилиш натижасида битта пахта тозалаш корхонаси учун келтирадиган иқтисодий самарадорлик 58720 000 сўмни ташкил қилиши аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

КАРИМОВ НУРИДДИН МАХАМАДЖОНОВИЧ

**РАЗРАБОТКА КОНСТРУКЦИИ ПЕРЕДВИЖНОЙ
ПНЕВМОТРАНСПОРТНОЙ УСТАНОВКИ ДЛЯ ТРАНСПОРТИРОВКИ
ХЛОПКА С ДАЛЬНИХ РАССТОЯНИЕ**

**05.02.03 – Технологические машины. Роботы, мехатроника
и робототехнические системы**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Наманган – 2022

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.3.PhD/Т1348.

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице Научного совета (www.nammti.uz) и на Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Саримсаков Олимжон Шарипжанович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Джураев Анвар Джураевич
доктор технических наук, профессор

Бобоматов Абдугани Хусаинович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится «19» ноября 2022 года в 09⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, 3-здание, 2-этаж Наманганского инженерно-технологического института, зал Научного совета, тел: (69)228-76-75, факс: (69) 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под №186). Адрес 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, тел. (69) 225-10-07.

Автореферат диссертации разослан «8» ноября 2022 года.
(реестр протокола рассылки №81 от «8» ноября 2022 года).

Р.М. Мурадов

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор

Х.Т. Бобожанов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, доцент

К.М. Холиков

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Хлопковое волокно является одним из основных сырьевых материалов для текстильной промышленности в мире. Ткани и одежда из него ценятся как экологически чистые и не оказывают негативного влияния на здоровье человека. США, Бразилия и Индия являются ведущими мировыми производителями хлопка. В целях сохранения своего места и престижа в данном сегменте мирового рынка особое внимание уделяется устойчивому развитию технологии переработки хлопка, производству и внедрению современного технологического оборудования, рациональному использованию ресурсов, поставке качественной, конкурентоспособной продукции на мировой рынок хлопка.

В последние годы мировой рынок пользуется спросом у потребителей на определенный ассортимент и качество хлопчатобумажной продукции. В связи с этим обеспечение продукции с заданными качественными и количественными показателями, создание «умных» технологий, контролирующих качество и количество хлопчатобумажной продукции, выявляющих и устраняющих процессы и факторы, негативно влияющие на качество и количество продукции на каждом этапе. Следует отметить, что на повестку дня стоит разработка технических решений, повышение эффективности всех технологических процессов, в том числе транспортировка хлопка пневмотранспортом и отделение его от транспортного воздуха, перевод его на следующую технологию.

В нашей стране принимаются комплексные меры по производству широкого спектра высококачественной и недорогой промышленной продукции на основе выращивания и глубокой переработки хлопка и выводу их на мировой рынок. В частности, коренным образом реформируется система хлопководства, устанавливается практика централизации производства хлопка и продукции текстильной и легкой промышленности путем создания хлопково-текстильных кластеров.

Постановление Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы «ПФ-60»... , ... снижения потерь в отраслях промышленности и повышения ресурсоэффективности». Одним из важных вопросов при реализации данной задачи, в том числе создание ресурсосберегающей конструкции и обоснование параметров оборудования для эффективного отделения хлопка от воздуха при транспортировании хлопка пневмотранспортом технологического процесса первичная обработка хлопка.

